







## Назм гулдастаси

## ОЛАМДА БИР СҮЛМАС ЧАМАН БОР – ВАТАН

Истеъоддли ва тиниб-тинчимас, ўзининг бетакор шеърлари ва достонлари билан ҳалқимизнинг юрагига кириб бораётган шоир Сирожиддин Сайидни ҳаммамиш яхши танимиз. Сирожиддин 1958 йилда Сурхондарёнинг Сарисиёси туманидаги сўлим қишилкотардан бирда таваллуд топди.

Ерга урса кўкка сакрайдиган болалик ҳаёллари, армонлари уни шеърият атолими сехрли дунё осто насига етаклади. У шу йўлда Тошкентга, Тошдунинг журналистика кулийтига ўқишига келди. Уни тамомлаб, «Тошкент оқшоми», «Ўзбекистон адабиёти ва санати» газеталари таҳририяларида хизмат қиласди.

Сирожиддин шеърията нобёб истеъодлардан бири эканлигини ўзининг дастлабки шеърий тўплами «Ру-

ҳим ҳаритаси»даёқ намойиш эта олди. Бирин-китин шоирининг «Севги мамлакати», «Асрарли», «Кўйдим», «Ватанни ўрганиши», «Ўйингдаги бешиклар» шеърий тўплами ҳамда «Мехр қолур, мұхаббат қолур» бадиалар китоб чоп этилди. Шоиринг шеърлари худди или баҳорда кўз очган бинафашадек ёки настарин гулларнинг таратган уфорига ўхшайди. Охори тўклимаган оҳанглар, ўзига хос ташебхлар, бетакор топилмалари билан шеърият ихлюсмандларининг қалбига йўл ола билди.

Куйида истеъоддли шоир Сирожиддин Сайиднинг янги туркум шеърлари «Тошкент ҳақиқати» ўқувчилари ҳуқмига Наврӯз тухфаси сифатида ҳавола этилмоқда.

## БАХОР КЎПРИКЛАРИ

Гулга қўнаётган асаларилар  
Гулнинг дудғидан болни сўргунча,  
Голос шохидаги бир жуфт мусича  
То келиб бир-бирин холин сўргунча;

Пайваста қошлардан ўтичлар олиб  
Ҳаёлангучица узун киприклар,  
Бир томчи атран ис таралгучча  
Баҳор қўнгилларга солар кўпrikлар.

Оlamda bir sўlmас чаман бор – Vatan  
Demak қолган gaplar muvaқat bўlgay.  
Baҳor kўpriklari meхru-sadoқat,  
Baҳor kўpriklari muҳabbat bўlgay.

## ШУКУХ

Қай бир ошиқ дилдан эпкин елдими:  
«Онажон, бўлмадим, Наврӯз келдими?»

Ёруғ ниятларнинг амалими бу?  
Ёки тирикликинг самарими бу?

Қўзимга кўз суртар малоҳат тенгисз,  
Онажон, бу олам бунчалар чексиз!

Тилагим гул бўлар қаерларадир,  
Юрагим бу кунлар сайдларадир.

Неки армон бордир, неки орзу бор,  
Умидлар дунёсин неки ариз бор –  
Бари яқдил бўлиб туюлар менга,  
Ажис тақдир бўлиб туюлар менга.

## ТОШКЕНТА БАҒИШЛОВЛАР

Бу ёруғ дунёда мен нени кўрдим?  
Тошкент, шаҳар кўриб мен сени кўрдим.  
Бунда ҳар бир қўча менга дўст, рафиқ,  
Бунда ҳар бир дарахт онамдай мушфик.

Бунча қўп ошиқу ововораларинг,  
Фақат таскин берар фаввораларинг.  
Улар бари яқин қўнгилларимга,  
Улар ўхшар опа-сингилларимга.

Дилни ўзга юртга мойил кўрмадим,  
Юртсиз бир муродни ҳосил кўрмадим.  
Канчалар уммону дарёлар кечдим,  
Анҳор соҳилидай соҳил кўрмадим.

Мехринг сенга томон бургандай ўйлини,  
Ойлар осмонингда бунчалар тўйин.  
Сен – мисли безанган тўйхонадирсан,  
Ой гўё багринга тушуучи келин.

Дунёда энг азиз қўзу қошлардай,  
Ҳар бир ҳоялинг менга қариндошлардай.  
Кўнглумни мине бўлиб оламга сочсан,  
Бунга қайтиб келгай қалдиричлардай.

Сен – Faғfur Fуломнинг ҳаёт қўшиғи,  
Ойбек – Шайхзоданинг қўнгил эшиги.  
Бешикларга тўлсун уйларинг, шаҳрим,  
Эй, улуғ зотларнинг мангу бешиги.

Иқболинг билмасин ҳеч ниҳоялар,  
Тошкент, қўшгил мени киприкларингга.  
Шеърларим бўлгайлар зинапоялар  
Янги қурилажак кўпrikларингга.

## ҚУТАУФ БЎЛСИН

Томингизда шивир-шивир, шитир-шитир,  
Бу – баҳорнинг қадамларин товушидир.  
Сўридаги пуч ёнғонинг пўчоқлари  
Кай қарғанинг қолиб кетган ковушидир.  
Ранглар кирап энди гамгин ўйингизга,  
Томингиздан баҳор келмиши ўйингизга.

Ёмғир ювган юлдузлар ҳам қандоқ ғўзал,  
Ёрингизнинг кўзлари ҳам андоқ ғўзал,  
Қадринг билинг бу дамларнинг, қайтиб яна  
Бундоқ фасл тополмайсиз, бундоқ ғўзал.  
Қаранг, баҳор келмиши ошиқ қўнгилнингизга,  
Гул ўлчайди қараб қадду бўйингизга.

Эй, сен менинг шаҳарлик оқ турнагинам,  
Ярим кун ҳам сен ёнимда турмадинг ҳам.  
Қиши ўртаси ногоз баҳор келди десам,  
Зулфарининг атри экан кейин билсан.  
Мен жон берай исларингиз, бўйингизга,  
Баҳор билан сенинг ифор тўйингизга.

Ҳижронларга тўлиқ шеърий дафтарини  
Сен варақлаб, шамол, мени ахтардинми?  
Бир бойчечак, бир қаламқош қалдиричга  
Алмашмадим мен бор алам, бор дардларини.  
Шеърларим-ай, армонларим ўзингизга,  
Баҳор келмиши бугун кўча-кўйингизга.

Қандай ўғул бўлдим сизга, қандай жигар,  
Мендан аввал баҳор сиздан олмиши хабар.  
Майса бўлиб қўқариб ҳам, ота, яна  
Менга таскин бермоқдасиз бу тонг саҳар.  
Баҳор келмиши мангу сукут кўйингизга,  
Ҳар бир майса ўхшар сўзу ўйингизга.

Баҳор келмиши, кутлуғ бўлсин ҳамманнингизга!  
Умр берсиз бобонгиз ҳам момоннингизга.

Баҳор ахир қанча шодлик, шукроналик

Келтиргуси холангиз ҳам амманнингизга.

Қанча севинч гулдай қизу ўйингизга,

Қанча қўзи олиб келар қўйингизга.

Кўклардаги тўлин-тўлин ойдай Ватан,  
Омон десам, тошқен-тошқин сойдай Ватан.

Ватан десам, кўз олдимга онам келган,

Онам десам, нигоҳимда пайдо Ватан,

Баҳор келмиши яна ризу рўзингизга,

Доф тушмасин ҳарғиз рангу рўйингизга.

## М Й Й

Буқун Гулнинг болишилари кетмоқдадир,

Сурнайларнинг нолишилари кетмоқдадир.

Аравада ўйгайди Гул, атрофида

Янгларнинг койишлари кетмоқдадир.

Бунда қолар бобосининг чориқлари,

Момосининг калишлари кетмоқдадир.

Хөвли қолар, сув қолади, сувга бокиб

Хәйларга толишлари кетмоқдадир.

Мўлтирайди ота ўйнинг узумлари.

Букчайшиб ўйишлари' кетмоқдадир.

Аравада – ўйгайди Гул, билмайди Гул,

–

I воийи – ишком (шева).



Ҳим ҳаритасидаёқ намойиш эта олди. Бирин-китин шоирининг «Севги мамлакати», «Асрарли», «Кўйдим», «Ватанни ўрганиши», «Ўйингдаги бешиклар» шеърий тўплами ҳамда «Мехр қолур, мұхаббат қолур» бадиалар китоб чоп этилди. Шоиринг шеърлари худди или баҳорда кўз очган бинафашадек ёки настарин гулларнинг таратган уфорига ўхшайди. Охори тўклимаган оҳанглар, ўзига хос ташебхлар, бетакор топилмалари билан шеърият ихлюсмандларининг қалбига йўл ола билди.

Куйида истеъоддли шоир Сирожиддин Сайиднинг янги туркум шеърлари «Тошкент ҳақиқати» ўқувчилари ҳуқмига Наврӯз тухфаси сифатида ҳавола этилмоқда.

Бир дунё дунё ишлари кетмоқдадир:  
Оносининг ўн саккиз йил кўшишлари,  
Отосининг ёнишлари кетмоқдадир.

Мен сени омон десам, омон санингдек бўлмагай,  
Мен сени армон десам, армон санингдек бўлмагай.

Не эрур гулшан аро сарву санобар ҳам суман?  
Ҳеч бирни хуш қоматинг, гулгун танингдек бўлмагай.

Бу чаманда ғунча гуллар хандасидан ҳеч бирни  
Ғунча лаблар bargидан сўз айтганингдек бўлмагай.

Настаринда оқ либос, алон жасамни қанча гул,  
Биттаси ҳам жонга оғат савсаннингдек бўлмагай.

Қатъ этиди ул нигоҳ ораста мижгонлар аро,  
Икки дунё ганжи бир кўз тикканингдек бўлмагай.

Вомиқу Фарҳоду Мажнунлар агар келса қатор,  
Ҳеч бирни оламда саргардон манингдек бўлмагай.

\*\*\*

Овозларни тутавер Кўчириб қол юрагингга  
Кулоқлар – микрофонлар. Бу гулларни, баҳорни!

Ўтаверар, ўтаверар Одам – магнитофонлар.

Эрта тополмайсан ҳатто Капалак қанотин ҳам.

Келаётганилар ёзилади, Майсаларни, капалакни Кўчирғин ҳаётингнга!

Такдирларни кўчиради Миядаги ленталар!

Ақлдан оз, шошиб қара Ранглар таласасига.

Кетаятни! «Тўхта» дегин, Рангни ултур кўчирмоққа

Муножот қил, ёлборгин. Кўзлар кассетасига!

## ТЎРТЛИКЛАР

Ўтгаймиз дунёдан – яхшими, ёмон,  
Ҳеч бир амалимиз қолмас ноаён.  
Бошимиз устидан қараб тургайдир  
Оллоҳнинг кўзидай бепоён омон.

\*\*\*

Дуч келган ҳар чуқур асло жар эмас,  
Сен бир жонотидирсан, гарчи ҳаф эмас.

Сен ўлаганчалик кўр эмас дэврон,

Сен ўлаганчалик замон кар эмас.

## ҚУШЛАР ОЛАМИ

(Болаларга)

Қарғалар қочиб кетди, Қалидирючку, тинмайди,  
Гум бўллику читтак ҳам. Кўзга қўйиб сурмалар,  
Унга бу ошёнлардан Ташигани ташиган  
Топилмасди катак ҳам. Фақат лою гувалак.

Жуфтакни ростлаб қолди, Қизилиштоннинг эса  
Қаранг сатанг майнани. Уялгани ўлгани,  
Булғаб кетибди яна Итподромга кетдими  
Деразани, ойнани.

Анҳорда юрган эмиш Ҳабибатнинг бу ҳолдан  
Чумчук билан загизон. Кош-қовоги чимрилар.  
Истанбулга учиди Муҳаббат бозорига  
Бу саҳар жиблажибион. Хайрон боқар қумрилар.

Бўка туманидаги Faғfur Fулом номли 1-сонли кечки ўрта мактаб томонидан Кўчкоров Дониёр Королович номига 1989 йилда берилган А-046358 раками тўлиқиз ўтга мавзумот хуқонлиги сабаби  
БЕКОР КИЛИНАДИ

Бўка туманидаги Faғfur Fулом номли 1-сонли кечки ўрта мактаб томонидан Кўчкоров Дониёр Королович номига 1989 йилда берилган А-046358 раками тўлиқиз ўтга мавзумот хуқонлиги сабаби  
БЕКОР КИЛИНАДИ

## Ҳаётий лавҳалар

УНУТИЛМАС ДАМЛАР  
СҮНГГИ ДИЙДОР